

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.04.2021.Fil.20.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

БЕКБЕРГЕНОВА ГУЛАИМ АЙЖАРЫКОВНА

**ҲОЗИРГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ОТНИНГ СУБЪЕКТИВ БАҲО
ФОРМАЛАРИ**

10.00.03 – Қорақалпоқ тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус – 2021

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати муидарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
philological sciences**

Бекбергенова Гулаим Айжарыковна

Хозирги қорақалпоқ тилида отнинг субъектив баҳо

формалари.....3

Бекбергенова Гулаим Айжарыковна

Формы субъективной оценки имени существительного в современном
каракалпакском языке22

Bekbergenova Gulaim Aizharykovna

Forms of subjective evaluation of the noun in the modern Karakalpak language..41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....45

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.04.2021.Fil.20.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

БЕКБЕРГЕНОВА ГУЛАИМ АЙЖАРЫКОВНА

**ҲОЗИРГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ОТНИНГ СУБЪЕКТИВ БАҲО
ФОРМАЛАРИ**

10.00.03 – Қорақалпоқ тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.4.PhD/Fil1050 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Нукус давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.karsu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Қудайбергенов Мамбеткерим Сарсенбаевич
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Абдиназимов Шамшетдин Нажимович
филология фанлари доктори, профессор

Нажимов Пердебай Айманович
филология фанлари доктори (DSc)

Етакчи муассаса:

Навоний давлат педагогика институти

Диссертация химояси Қорақалпоқ давлат университети ҳузуридаги DSc.03/30.04.2021.Fil.20.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «29» декабр куни соат 16:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдилов кўчаси, 1-уй. Тел.: (99861) 223-59-25; факс: (99861) 223-59-25; e-mail: karsu_info@edu.uz).

Диссертация билан Қорақалпоқ давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (59 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдилов кўчаси, 1-уй. Тел.: (99861) 223-59-25.

Диссертация автореферати 2021 йил «16» декабр куни тарқатилди.
(2021 йил «16» декабр даги 14 рақамли реестр баённомаси).



Қ.Алламбергенов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
ранси в.а.д., филол.ф.д., профессор

Дж.Н.Сагидуллаева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, филол.ф.н., доцент

З.Қ.Оразымбетова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қондаги илмий семинар ранси, фан доктори
(DSc)

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида тилларнинг мунтазам бойиб боришига хизмат қилаётган адабий тилининг грамматик қурилиши ва сўз ясалиши ҳар бир тилнинг тараққиёт даражасини, унинг ривожланиб бориш йўлларини кўрсатиб берувчи, бойлик қўламини белгиловчи муҳим омиллардан бири саналади. Шунингдек, сўзнинг лексик-грамматик маънолари билан бирга эмоционал маънолари ва турларини аниқлаш, уларда тилнинг ички тузилмаси, сатҳлари ва бирликлари, тил ва нутқни парадигматик ва синтагматик қонуниятларга таяниб изоҳлаш ва унга лингвопрагматик аспектда ёндашувга эътибор кучаймоқда.

Дунё тилшунослигида отнинг субъектив баҳо шакллари ва уларнинг сўз ясалиш ва лугат таркибини бойитишдаги ўрни, субъектив баҳо масалалари, хусусан, уларнинг ясалиши, семантикаси ва таснифланиши ҳар томонлама тадқиқ қилинган. Бундан ташқари, субъектив баҳо шаклларининг маъноси ва турлари, улар орасидаги парадигматик муносабатлар, уларни функционал ва когнитив аспектда тадқиқ этиш масалалари ўрганилган. Айни пайтда туркий тилларда, хусусан, қорақалпоқ тилида ушбу масалалар ҳозиргача ўз ечимини тўлалигача топмаган, субъектив баҳо шакллари яхлит тизимга эга эмас, етарлича таснифланмаган, терминологик бир хиллик мавжуд эмас, субъектив баҳо ифодаловчи аффикслар деярли талқин қилинмаганлигини кузатиш мумкин. Булар эса мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Миллий истиқлол даврида «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» тамойили асосида мамлакат тараққиётининг янги даврида давлат тилини ривожлантиришни юксак босқичга кўтариш, давлат тилининг софлигини сақлаш, уни бойитиб бориш ва аҳолининг нутқ маданиятини ошириш¹ асосий вазифа этиб белгиланган ва она тилимизнинг мақоми, келажаги масалаларига катта эътибор қаратилиб, тилга миллий қадрият ва маънавий ўлчов сифатида қарала бошланди. Айниқса, юртимизда миллий маданиятни ўзда сақловчи, уни авлоддан-авлодга етказиб берувчи она тилимизни софлигича асраш, унинг ижтимоий вазифасини кенгайтиришга доир бир қанча ишлар бажарилди. Бугунги кунда қорақалпоқ тилшунослиги, жумладан, сўз ясалиш, морфология ва стилистика соҳасининг олдида замонавий ривожланган тамойилларга йўналтирилган янгидан янги тадқиқотлар олиб бориш вазифаси қўйилмоқда. Дунё тилшунослигида отнинг субъектив баҳо шакллари бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда, лекин ҳозирги қорақалпоқ тилида бу масала бўйича илмий тадқиқотлар бажарилмаган, ушбу шаклларнинг лингвистик ҳолати, уларнинг семантикаси ва тизими ташкил этилиши ҳақида изланишлар олиб борилмаган. Шунинг

¹ Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сисстемини такомиллаштириш чора-тадбирлари туғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон Фармони // <https://lex.uz/docs/5058351>

учун, хозирги қорақалпоқ тилшунослигида отнинг субъектив баҳо формаларини тадқиқ қилиш долзарб вазифалар қаторига қиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида», 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2019 йил 4 октябрдаги ПК-4479-сон «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни қабул қилинганининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида», Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгаши Президиумининг 2020 йил 3 ноябрдаги «Қорақалпоқ тилининг давлат тили сифатида обриси ва ўрнини яна да ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2021 йил 16 июлдаги Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгаши Президиумининг «Қорақалпоқ тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон тилшунослигида немис тилида Я.Гримм², инглиз тили бўйича Н.Н.Раевская³, француз тилида Р.Г.Пиотровский⁴, турк тилида Х.Вамбери, А.Эмре, А.Н.Кононов, М.Ряснен⁵, рус тилшунослигида К.С.Аксаков, В.В.Виноградов, А.Н.Гвоздев, А.Э.Розенталь, В.И.Чернышев, Н.М.Шанский, А.В.Суперанская, С.Г.Шейдаева, Т.Краснова, Ю.О. Бронникова⁶, туркологияда Е.И.Убрятова,

² Гримм Я. Deutsche Grammatik. Bd. 3 – Göttingen, 1948. – 664 p.

³ Раевская Н.Н. Очерки по стилистической грамматике современного английского языка. – Киев: Киевский университет, 1973. – 143 с.

⁴ Пиотровский Р.Г. Очерки по грамматической стилистике французского языка. Морфология. – М.: Литература на иностранных языках, 1956. – 200 с.

⁵ Vanberg H. Etymologisches wörterbuch der turkotatarischen sprachen. – Leipzig, 1978. – С. 73-74; Emre Ahmet Gewet. Türkcede isim tenelleri. – İstanbul, 1943. – 156 б.; Кононов А.Н. Грамматика современного турецкого литературного языка. – М.-Л.: АН СССР, 1956. – 113 с.; Räsänen M. Materialien zur Morphologie der turkishen sprachen. – Helsinki, 1957.

⁶ Аксаков К.С. Опыт русской грамматики. Ч. 1. – вып. 1. – М.: тип. Л. Степановой, 1860; Виноградов В.В. Итоги обсуждения вопросов стилистики // Вопросы языкознания. – М.: АН СССР, 1955. - №1. – 168 с.; Гвоздев А.Н. Очерки по стилистике русского языка. Учеб. пособие. 3-е изд. – М.: Просвещение, 1965.

А.Мурадов, Е.М.Напольнова, К.Дыйканов, И.А.Батманов, Б.Орузбаева, Г.Т.Жээнбекова, С.Кенгесбаев, А.Ы.Ыскаков, Р.Зубаилова ишлари, Т.М.Гарипов, З.И.Салыхова, А.Н.Кононов, А.Гуломов, Р.Қўнғуров, С.Усмонов, З.Маъруфов, Р.Икрамова, А.Ҳожиёв, Р.Ҳадиятуллаев, Э.Бегматов, К.Шарафутдинова, У.Лафасов, Қ.Сапаёв, Х.Ҳожиёва, Ш.Содиқова⁷, қорақалпоқ тилшунослигида Н.А.Баскаков, А.Қыдырбаев, Д.С.Насыров, А.Бекбергенов, О.Сайымбетов, А.Наурызова⁸ ва бошқаларнинг ишларида субъектив баҳо формалари ҳақида фикрлар юритилган, лекин қорақалпоқ тилшунослигида шу пайтгача махсус тадқиқот олиб борилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Нукус давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режаларига

– 408 с.; Розенталь Д.Э. Практическая стилистика русского языка. – М.: Высшая школа, 1974. – 352 с.; Чернышев В.И. Русские уменьшительно-ласкательные личные имена // Русский язык в школе. – М., 1947. – № 4. – С. 20-27; Шанский Н.М. Очерки по русскому словообразованию и лексикографии. – М.: Учпедгиз, 1959. – 58 с.; Сулеранская А.В. Структура имени собственного. Фонология и морфология. – М.: Наука, 1969. – 128 с.; Шейдаева С.Г. Категория субъективной оценки: Автореф. дис. ... д-ра филол. наук. – Н.Новгород, 1998. – 42 с.; Краснова Т.И. Субъективность – Модальность (материалы активной грамматики). – СПб.: Изд-во СПбГУЭФ, 2002. Бронникова Ю.О. Словообразовательные средства выражения оценки в русском языке // Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук. – М., 2014. – № 12. – С. 276-279.

⁷ Урбатова Е.И. Исследования по синтаксису якутского языка. – М.: Наука, 2006. – 267 с.; Мурадов А. Выражение ласкательности и уменьшительности в именах туркменского языка: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ашхабад, 1975. – 21 с.; Напольнова Е.М. Система обращений в современном туркменском языке // Вестник С-Петербургского ун-та. С-Петербург, 2015. – С. 5-13; Дыйканов К. Имя существительное в киргизском языке. – Фрунзе: АП КиргизССР, 1955. – С. 52-53; Батманов И.А. Грамматика киргизского языка. – вып.1. – Фрунзе, Казань: Киргизгосиздат, 1939. – 39 с.; Орузбаева Б. Словообразование в киргизском языке. – Фрунзе: Илим, 1964; Жээнбекова Г.Т. Роль суффиксов с уменьшительно-ласкательным значением в современном киргизском речевом этикете // Вестник ОшГУ. – Ош, 2015. – С. 43-49; Кенесбаев С.К., Жиенбаев С. Қазақ тілі грамматикасы. Фонетика мен морфология. I бөлім. – Алматы: Қазақстан Мемлекеттік біріккен баспасы, 1942. – 56 б.; Ыскакова А.Ы. Қазіргі қазақ тілі (Морфология). – Алматы, 1964. – Б. 201-203; Зубаилова Р. Образование сложных слов в кумыкском языке: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Махачкала, 2005; Хабичев М. Карачаево-балкарское именное словообразование. – Черкесск, 1971; Гарипов Т.М. Башкирское именное словообразование. – Уфа, 1959; Салыхова З.И. Средства выражения вежливости в современном башкирском языке: Дис. ... канд. филол. наук. – Уфа, 2004. – 213 с.; Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. – М.-Л.: АН СССР, 1960. – С. 125-126; Гулямов А.Г. Проблемы исторического словообразования узбекского языка: Автореф. дис. ... д-ра филол. наук. – Т., 1955. – С. 21-24; Қўнғуров Р. Субъектив баҳо формаларининг семантик ва стилистик хусусиятлари. – Т.: Фан, 1980; Усмонов С. Ҳозирги ўзбек тилида сўзнинг морфологик тузилиши. ТДПИ илмий асарлари. 42-т. 1-китоб. – Т., 1963. – 210 б.; Маъруфов З. Сўз состави. От ва сифат. – Т., 1956. – Б. 42-43; Икрамова Р. Ўзбек тилида олтарнинг синтетик, аналитик ва функциональ формалари. – Т., 1965; Ҳожиёв А. Модаль ски субъектив баҳо формалари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 1978. – №1. – Б. 3-6; Ҳадиятуллаев Р. Ўзбек тилида субъектив баҳо формаларининг маънолари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 1969. – № 1. – Б. 62-64; Бегматов Э. Киши номиларининг отлашини йули билан юзага келиши // Тилшунослик ва адабиётшуносликка оид тадқиқотлар. – Т., 1965. – 54 б.; Шарафутдинова К. Формы субъективной оценки в русско-узбекском и узбекско-русском словарях // Адабиётшунослик масаллари ва тилшунослик масаллари. 3-китоб. – Т., 1961. – 523 б.; Лафасов У.П. Диалогик нутқда субъектив модаллиқнинг ифодаланиши: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Т., 1996; Сапаёв К. Ҳозирги ўзбек тили (морфемика, сўз ясалishi ва морфология). – Т., 2009; Ҳожиёва Х. Ўзбек тилида ҳурмат майдони ва унинг лисоний – нутқий хусусияти: Филол. фан. ном. ... дис. – Самарқанд, 2001. – 130 б.; Содиқова Ш. Ўзбек тилида ҳурмат категорияси. – Т., 2010. – 96 б.

⁸ Баскаков Н.А. Каракалпакский язык (Фонетика и морфология). – М., 1952. – 179 с.; Қыдырбаев А. Ҳазирги қарақалпақ тилиндеги атлық сөзләр. – Нөкис, 1961. – 54 б.; Насыров Д. Қарақалпақ тилинде көплік категориясы. – Нөкис: Қарақалпақ мәмлекетлик баспасы, 1961. – 27 б.; Бекбергенов А. Қарақалпақ тилинин стилистикасы. – Нөкис, 1990. – Б. 50-51; Сайымбетов О. Тилимиздеги адам атларында субъектив баҳо формалары // ӨзССР ИАҚФ хабаршысы. – Нөкис, 1987. – №1. – Б. 76-78; Наурызова А. Ҳазирги қарақалпақ тилиндеги этикет сөзләр: Филол. фан. фалс. ... д-ри автореф. – Нукус, 2020. – 56 б.

мувофик «Тил таълимининг замонавий тенденциялари» мавзусидаги илмий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ҳозирги қорақалпоқ тилида отнинг субъектив баҳо формалари, уларнинг табиати, семантикаси, ифодаланиш усуллари ва услубий ўзига хосликлари, этномаданий хусусиятларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қорақалпоқ тилшунослигида от субъектив баҳо формаларининг турлари ва функциясини белгилаш;

субъектив баҳо формаларининг сўз ясалиши ва форма ясалишига муносабатини аниқлаш;

кичрайтириш, эркалаш, ҳурмат, камтарлик, камситиш, киноя формаларининг табиатини очиб бериш;

субъектив баҳо формаларининг услубий вазифаларини таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида халқ оғзаки ижоди, қорақалпоқ классик шоирлари ва ҳозирги қорақалпоқ ёзувчи ва шоирлари асарларида қўлланилган отларнинг субъектив баҳо формалари танланган.

Тадқиқотнинг предмети ҳозирги қорақалпоқ тилидаги аффиксация, аффиксоидлар, сон, эгалик ва келишик категориялари, жуфт ва такрор сўзлар, шунингдек сўзларни қискартириш орқали отнинг субъектив баҳо формаларининг ясалиши бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда семантик, киёсий-тарихий, киёсий баён, тавсифий ва чоғиштирма, компонент таҳлил усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

ҳозирги қорақалпоқ тилидаги аффиксация, отнинг келишик ва эгалик формалари, кўплик қўшимчалари, қўшма сўзлар, жуфт ва такрорий отлар, баъзи сўз туркумларининг от билан бирга келишининг (отларга «деген» феълини қўшиб қўллаш, «биреў» сони, «мыш/-миш/-емиш» юкламаси) субъектив баҳо ясашдаги сўзловчининг маълум кишига, предметга бўлган субъектив муносабатини, позициясини, баҳосини кўрсатиб, инсонлар ўртасидаги турли эмоционал муносабатларни ифодалаш каби функционал аҳамияти аниқланган;

қорақалпоқ тилидаги отнинг субъектив баҳо формалари оғзаки нутқда гапга қўшимча *кичрайтириш, эркалаш, ҳурмат, камситиш, киноя, менсимаслик, ёмон кўриш, нафратланиш* каби эмоционал-экспрессив бўёк бериши исботланган;

от субъектив баҳо шаклларининг синтетик (махсус аффикслар ва аффиксоидлар) ва аналитик формалар (қисқартма киши исмлари, атоқли киши исмларининг қариндошлик атамалари) билан бирикиб келиши ҳамда қўшма сўзлар ва грамматик категориялар (келишик ва эгалик) ёрдамида ясалиши (такрор ва жуфт сўзлар) далилланган;

субъектив баҳо ясовчи отларнинг ифодалайдиган маъноларига кўра *кичрайтириш, эркалаш, ҳурмат, камтарлик, рағбат* ва *камситиш-киноя*

шакллари ажратилган ҳолда, бу маънолар махсус кичрайтириш аффикслари *-ша/-ше, -шақ/-шек, -шық/-шик*, эркалаш аффикслари *-гене, -шақ, -лақ, -тай*, ҳурмат, камтарлик, рағбат шакллари *-ай/-ей, -й, -эке/-еке, -шақ/-шек*, аффиксондлар *-жан, -хан, -тай, -эке/-еке*, чиқиш келишиги, эгалик шакллари, шунингдек киши исмларининг қариндошлик атамалари билан бирикиб келиши ва киши исмларини қисқартириш оркали, такрор, жуфт сўзлар ва баъзи сўз қўшиш ҳодисалари оркали ифодаланиши далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қорақалпоқ тилида отнинг субъектив баҳо формаларини тизимлаштириш ва илмий нуқтаи назардан тадқиқ қилиш натижасида отнинг субъектив баҳо формаларининг ўзига хос ментал ва этномаданий хусусиятлари очиб кўрсатилган;

отнинг субъектив баҳо ҳосил қилиш формалари аффиксация, аффиксондлар, сон, эгалик ва келишлик категориялари, сўз яшаш усуллари, шунингдек сўзларни қисқартириш оркали намоён бўлиши аниқланган;

қорақалпоқ тилининг илмий грамматикасини ёзиш, олий таълим муассасалари, академик лицейлар ва коллежлар, мактабларда услубият ва нутқ маданиятини ўқитиш, талабалар ва ўқувчиларни этика, адабий тил меъёрлари билан таъиништиришга доир амалий тавсиялар ишлаб чиқилган, шунингдек, кичик ёшдаги болаларга мўлжалланган дискурсларда фойдаланишдаги кенг имкониятлари ёритиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган ёндашув, усуллар илмий-методик асосланганлиги, назарий маълумотларнинг ишончли илмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлил ва чиқарилган хулосалар тавсифий, баён қилиш, компонент таҳлил методларига асосланганлиги, берилган фикр ва тавсияларнинг амалиётда кенг қўлланилганлиги, олинган натижаларнинг тегишли муассасалар томонидан тасдиқланганлиги билан далилланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, унда қорақалпоқ тилининг морфология, сўз яшалиш ва стилистика тизимида отларнинг субъектив баҳо формалари ҳақидаги илмий қарашлар назарий жиҳатдан ривожлантирилган ва келгусида мазкур йўналишдаги изланишлар учун муҳим манба вазифасини бажаради, шунингдек эришилган натижа ва хулосалар қорақалпоқ тили морфологияси ва сўз яшалишига доир монография, дарслик ва ўқув қўлланмаларни яратишда муҳим илмий манба бўлиб хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ишнинг натижалари ва умумлаштирилган хулосаларидан олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида отлар бўйича махсус курсларни ўқитишда, адабий тил меъёрларини белгилашда, тилимиздаги отларнинг муайян имло қоидаларига мос ёзилиб, ёзувда бир хилликнинг сақланишига эришишда, қорақалпоқ тили лугат таркибининг бойиб бориши, ривожланиш йўллари, эволюциясини аниқлашда, орфографик лугатлар тузишда фойдаланиш мумкинлиги билан

белгиланади, шунингдек қорақалпоқ адабий тилининг услубий меъёрларини тақомиллаштиришда, нутқ маданияти курсларида маънавий маданиятни ривожлантиришда, функционал сўз ясалишига оид махсус курслар ва семинарлар, илмий мақола ва маърузалар ёзишда фойдали манбалардан бири бўла олиши асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қорақалпоқ тилида отнинг субъектив баҳо формаларини тадқиқ қилиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ҳозирги қорақалпоқ тилидаги отнинг субъектив баҳо формаларининг ифодаланиш усуллари ва уларнинг функционал аҳамиятини аниқлаш натижалари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида 2012-2016 йилларда бажарилган ФА-Ф1-Г003 рақамли «Ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши» мавзусидаги лойиҳани амалга оширишда, айниқса от субъектив баҳо формаларининг шаклланиш жараёнлари, грамматик шакллarning субъектив баҳони ҳосил қилишдаги вазифаси тадқиқотда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 21 апрелдаги 82/1 рақамли маълумотномаси). Натижада, қорақалпоқ тилидаги от субъектив баҳо формаларининг адабий тилга ҳос услубий қўлланилиши, орфографик, грамматик ўлчовлар асосида ёзилиши таъминланган;

субъектив баҳо формаларининг оғзаки нутқда гапга қўшимча эмоционал-экспрессив маъно бериш хусусиятлари қорақалпоқ халқининг миллий этика кадриятларини қайта тиклаш, этномаданиятини акс эттириш билан боғлиқ материаллар Қорақалпоғистон телерадиокомпаниясининг «Адабиёт бўстони», «Гавҳар сўзлар», «Ассалому алайкум, Қорақалпоғистон» ҳамда «Ёшлар учун», «Мерос» радиозиттиришлари орқали кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этилган (Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпаниясининг 2021 йил 20 апрелдаги 01-02/238 рақамли маълумотномаси). Натижада, от субъектив баҳо формаларининг сўз ясалиши, грамматик формаларнинг шаклланиши билан боғлиқ лингвистик маълумотлар ва материалларнинг кенг жамоатчиликка таништирилиши орқали кўрсатув ва эшиттиришларнинг маданий-маърифий аҳамиятининг оширилишига эришилган;

от субъектив баҳо шаклларининг синтетик, аналитик формалар ва грамматик категориялар ёрдамида ясалиши Бердақ номидаги Қорақалпоқ адабиёти тарихи давлат музейида шоир ижодида ўз аксини тонган субъектив баҳо шаклларининг лингвистик таҳлилига оид илмий маълумотлар олишда самарали фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2021 йил 19 апрелдаги 2-03/800 рақамли маълумотномаси). Натижада, шоир Бердақ асарлари матнидаги субъектив баҳо формаларининг семантик, услубий вазифалари, эмоционал-экспрессивликнинг ифодаланиши, уларнинг шаклланишида халқ тилининг тугган ўрни, илмий салмоғи ҳақида батафсил маълумотлар беришга эришилган;

субъектив баҳо формалари ижтимоий асослар билан боғлиқ амалий тавсиялар тарзида кичик мактаб ёшидаги болалар билан дискурсларда оғзаки нутқ услубида услубий хатоларни бартараф этишда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2021 йил 19 апрелдаги 02-01/5-1954 рақамли маълумотномаси). Натижада, кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар билан дискурсларда мактаб ўқувчилари билан ишлаш жараёнида амалиётга адабий тил меъёрлари татбиқ этилган ва ёш авлодни миллий-маънавий қадриятлар асосида тарбиялашда, сўз этикети меъёрларини сақлаш, услубий қоидалар асосида фикр алмашишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 9 та илмий-амалий конференцияда, жумладан: 2 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза шаклида апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиганлиги. Диссертация мавзусига оид жами 22 та илмий иш нашр этилган бўлиб, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларнинг асосий натижаларини чоп қилиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та илмий мақола, шундан 5 таси республика ва 2 таси хорижий илмий журналларда эълон қилинди.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, асосий уч боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 130 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилишига доир маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Тилшуносликда от субъектив баҳо формаларининг тадқиқ қилиниши ва назарий асослари» деб номланган биринчи боби икки қисмдан иборат. Унинг биринчи қисми «От субъектив баҳо формаларининг ўрганилиши, унинг назарий масалалари» деб аталади.

Отнинг кичрайтириш суффиксларини алоҳида синфга ажратиш қадимги юнон муаллифларининг ишларидан бошланган. Арасту «Риторика» номли китобида «кичрайтириш деганимиз – бу яхшилик ва ёмонликни ўзидан кўра кам кўрсатадиган маъно»⁹ - дейди.

⁹ Античные теории языка и стиля. Сборник под общ. ред. Фрейденберг. – Л.: ОГИЗ, 1936. – С. 179.

Кичрайтириш-эркалаш суффиксларининг илк лингвистик таҳлилини ҳам юнонлар – Александрия грамматика мактабида амалга оширишган.

Рус тилшунослигида кичрайтириш-эркалаш суффиксларига «субъектив баҳо англатувчи суффиклар» деб илк марта А.А.Шахматов ном берган. У отнинг субъектив баҳо формаларини сўз ўзгартувчи формалар деб ҳисоблайди¹⁰. Туркман тилида А.Мурадов¹¹, козок тилшунослигида А.Ысқаков¹², ўзбек тилшунослигида М.Шамсиева, К.Шарафутдинова, Р.Ҳадятуллаевлар бу ҳодисага нисбатан «субъектив баҳо формалари» терминини ишлатган¹³.

Қорақалпоқ тилида отнинг субъектив баҳо формалари махсус монография қўламда тадқиқ қилинмаган, дастлаб мактаб грамматикаларида от ясовчи аффикслар қаторида ўрганилган.

Н.А.Баскаков 1932 йилда «Қискача қорақалпоқ тили дарслиги»нинг «Сўз ясалиши» бўлимида *-шақ/-шек* аффиксини от ясовчи аффикслар қаторига киритган ва кичрайтириш маъносига эга эканлигини кўрсатиб ўтган¹⁴. Н.А.Баскаков отнинг эркалаш ва кичрайтириш формаларини ясовчи аффиксларга *-қай/-кей*, *-й*, *-шық/-шик*, *-шақ/-шек*, *-ша/-ше*, *-ақ/-ек* аффиксларини киритади¹⁵.

Қорақалпоқ тилида А.Бекбергенов услубиятга оид ишида субъектив маъно англатувчи воситаларни: «1) кичрайтириш маъносини билдирувчи; 2) ҳурмат, камтарлик маъносини билдирувчи; 3) эркалаш, суйиш маъносини билдирувчи; 4) камситиш, киноя маъносини билдирувчи» деб тўрт гуруҳга ажратиб, мисоллар келтирган¹⁶.

Қорақалпоқ тилидаги этикет сўзларнинг лисоний функцияси, ижтимоий тавсифи, лексик-семантик хусусиятлари, этикет сўзларда халқнинг миллий тафаккури, лингвوماданий табиатининг акс эттирилиши А.Наурызова¹⁷ томонидан махсус ўрганилган.

Демак, отнинг субъектив маъноси махсус грамматик воситалар орқали ҳосил қилинади. Улар ёрдамида янги маъноли сўзлар эмас, факат ўша отнинг янги шакллари ясалиб, ҳар хил эмоционал-экспрессив маъноларни ифодалаганлиги учун қўпинча оғзаки сўзлашув услубида (халқ оғзаки ижоди), бадий услубда кенг қўлланилиб, илмий, расмий услубларда, техник адабиётларда ишлатилмайди.

¹⁰ Шахматов А.А. Синтаксис русского языка. Изд. 2-е. – JL.: Учпедгиз, 1941. – С. 452.

¹¹ Мурадов А. Выражение ласкательности и уменьшительности в именах туркменского языка: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ашхабад, 1975.

¹² Ысқаков А. Қазіргі қазақ тілі. (Морфология). – Алматы, 1964. – Б. 201-203.

¹³ Шамсиева М. Субъектив баҳо билдирувчи отлар / Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари. – Т., 1961; Шарафутдинова К. Формы субъективной оценки в русско-узбекском и узбекско-русском словарях / Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари. 3-китоб. – Т., 1961. – 520 б.; Ҳадятуллаев Р. Ўзбек тилида субъектив баҳо формаларининг маънолари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 1969. - №1. – Б. 62.

¹⁴ Баскаков Н.А. Краткая грамматика каракалпакского языка. – Туркгуль, 1931-1932. – 149 с.

¹⁵ Баскаков Н.А. Каракалпакский язык. Т. II. Фонетика и морфология. – М.-Л., 1952. – С. 179-180.

¹⁶ Бекбергенов А. Каракалпак тилининг стилистикаси. – Нукус: Каракалпакстан, 1990. – Б. 50-51.

¹⁷ Наурызова А. Ҳазирги каракалпак тилиндеги этикет сўзлар: Филол. фан. фалс. ... д-ри автореф. – Нукус, 2020. – 56 б.

Биринчи бобнинг иккинчи қисми «Отнинг субъектив баҳо формалари ҳамда уларнинг сўз ясалиши ва шакл ясалиши билан алоқаси» деб номланади. Бу қисмда от субъектив баҳо шакллариининг сўз ясалишидаги морфологик имкониятлари, модал маъно англатиши тўғрисида сўз юритилган.

Тил – инсонлар ўртасидаги энг муҳим алоқа воситаси сифатида ўша даврнинг ўзига хос хусусиятларини, руҳини етказувчи кўзгу бўлиб хизмат қилади. Бундай ҳолатларда, бир томондан, тил луғат таркибининг бойиб бораётганлиги, иккинчи томондан, тилда мавжуд сўзларнинг турли муносабатларни, нозик маъно оттенкаларни ифодалаш вазифасини бажариши маълум. Шу боис қорақалпоқ тилидаги турли маъно оттенкаларини ифодаловчи шакллари аниқлаш, уларнинг асосий шакллар билан боғлиқлиги ва муносабатини илмий нуктаи назардан изохлаш тилшунослик учун энг муҳим вазифалардан биридир.

Ўзаро мулоқот жараёнида кишига фаол таъсир кўрсатадиган, нутқ ва фикрни баён қилишда зарур нарса бу – сўз. Сўз – бу инсон онгида тушунча шаклининг акс этиши.

Отнинг модал маъно ифодаловчи шакллари кичрайтириш, эркалаш, хурмат, камситиш, кек сақлаш, киноя, ирония каби маъноларни, предмет ва инсонларга нисбатан гумон, чама, тахмин ва бошқа маъноларни ифодалашда қўлланилади. Баъзи отлар орқали предмет фақат номланибгина қолмасдан, унга қўшимча равишда ўша предметга сўзловчининг турли муносабати ҳам англашилади. Тилшунослиқда бундай отлар «отнинг субъектив баҳо шакллари» деб юритилади.

«Субъектив баҳо» тушунчаси қандайдир предмет, унинг хислатлари (қўпинча ўлчови), муайян иш-ҳаракат ва ҳолат, сўзловчининг ижобий ёки салбий муносабатини ифодалайди. Субъектив баҳонинг грамматик маънолари сўз ичида ҳам англашилиши мумкин. Бу – аффиксация, асоснинг алмашиниши, ургу, супплетивизм, такрор сўзлар ва оҳанг. Сўз яшашнинг бундай усуллари синтетик усул, сўздан ташқарида сўз яшаш усуллари – ёрдамчи сўзлар, сўз қўшилиши, шунингдек сўз тартиби орқали ифодаланадиган сўз яшаш тури аналитик усул ҳисобланади. Синтетик усулда сўзнинг лексик ва грамматик маъноси бир сўз шакли орқали ифодаланса, аналитик усулда сўзнинг лексик ва аналитик маънолари алоҳида ифодаланadi.

Қорақалпоқ тилида отнинг субъектив баҳо формалари синтетик ва аналитик усуллар орқали ясалади.

Диссертациянинг иккинчи боби «Ҳозирги қорақалпоқ тилида от субъектив баҳо формаларининг ясалиши ва уларнинг таснифи» деб номланади. Бу бобнинг биринчи қисми «Субъектив баҳо формаларининг синтетик усулда ясалиши» гуруҳларга ажратишиб, бунда: 1) кичрайтириш шакллари; 2) эркалаш шакллари; 3) хурмат ва камтарлик маънолари; 4) камситиш, киноя маъноларининг махсус аффикслар орқали ифодаланиши;

5) аффиксоидларнинг қорақалпоқ тилида субъектив баҳо формаларини ҳосил қилиш имкониятлари тўғрисида фикр юритилди.

Субъектив баҳо формалари синтетик усулда ясалганда, одатда, отга махсус аффикслар ва аффиксоидлар қўшилади.

Кичрайтириш формаларининг аффикслар ёрдамида ифодаланиши. Субъектив баҳони кичрайтириш маъносини ифодалайди деб ҳисоблайдиган бўлсақ, у кичик ҳажм, ўлчов, ёш ва шу каби маъноларни англатади ҳамда турли кичрайтириш аффикслари, сўзлар орқали ифодаланади.

Ҳозирги қорақалпоқ тилида кичрайтириш аффиксларининг сони, қўлланиш доираси ҳам анча чекланган. Улар қаторига *-ша/ -ше, -шақ/ -шек, -шық/ -шик* ва бошқа аффикслар мансуб.

-ша/-ше аффикси. Бу аффикс шакл ясаш (*киташа, көрпеше, дорбаша, сандықша, қутыша* ва ҳоказо), ва баъзи ҳолатларда сўз ясовчи хусусиятларига эга. Сўз ясовчи аффикс сифатида у сифат ва равиш сўзларни ясади: *қысқаша, орташа, артықша, орысиша, озбекше, еркекше, жаңаша, аталарша, досларша, мәртлерше, қаҳарманларша* ва ҳоказо.

Баъзан аёл-қизларга нисбатан ҳурмат ифодаловчи отларга қўшилиб, фақат кичрайтириш маъносини эмас, балки камтарлик, ҳурмат маъносини ҳам англатади: *ханиша, ханымша* каби.

-шақ/ -шек аффиксини К.Дыйканов, Н.К.Дмитриев, Ф.Камол, М.Шамсиева, К.Шарафутдиновалар кичрайтириш аффикслари деб аташади¹⁸.

Ҳозирги қорақалпоқ тилида *-шақ/-шек* аффикси фақат баъзи ҳайвон номларига қўшилиб, улар болаларининг номларини эркалатиб ифодалайди. Масалан: *қулынишақ, тайынишақ, тулкишек* ва ҳоказо. Жылкы ишинде *қулынишақ*, Жал қуйрығы бир кушак (Қорақалпоқ фольклори, V том).

-шық/ -шик аффикси анча камунум қўлланилади: *сарайшық, түйинишик, қапишық, шығыршық. Түйинишик, қапишық, шығыршық* сўзларида экспрессивлик маъноси кучли ифодаланмайди: Апамның «еле тойда шешемен» деген *түйинишиклери* бар (Т.Қайыпбергенов).

Эркалаш формаларининг аффикслар орқали ифодаланиши. Эркалаш маъноси қорақалпоқ тилида аффикслар, аффиксоидлар ва айрим сўз ўзгартувчи аффикслар (эғалик, келишик) ёрдамида билдирилади.

Отнинг эркалаш формалари қорақалпоқ тилида *-гене/-кене, -лақ, -алақ, -шақ/ -шек, -тай* аффикслари билан ясалади.

-гене/-кене аффиксининг қорақалпоқ тилида *-гене* шакли кўпроқ ишлатилади, у эркалаш, суйиш, яхши кўриш маъноларини англатади. Маҳмуд Кошгарий¹⁹ бу аффикснинг дастлабки шакли *-қийа, -қийа* бўлган деб ҳисоблайди. *-гене/-кене* аффикси эғалик шаклини қабул қилиб, I шахс бирлик сонда қўлланилади: *Шашкенемди* эрман менен тарайман («Алпамыс»).

¹⁸ Дыйканов К. Имя существительное в киргизском языке. – Фрунзе: АН Киргиз. ССР, 1955. – С. 52; Дмитриев Н.К. Грамматика башкирского языка. – М.-Л.: АН СССР, 1948. – С. 70; Камол Ф. Ҳозирги замон ўзбек тили. – Т., 1957. – 44 б.; Шамсиева М. Ўзбек тилида субъектив баҳо билдирувчи отлар / Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари. 3-китоб. – Т., 1961. – Б. 522.

¹⁹ Махмуд Кошгарий. Девону луг'отит турк. 1-т. – Т., 1960. – Б.184-185.

-лақ, -алақ аффикси унлидан сўнг -лақ, ундошдан сўнг -алақ тарзида санокли сўзларга қўшилиб, кичрайтириш, эркалаш маъноларини билдиради: Сол қызалақ кўлип қуғанған гезде, Ап-анық көринип кеттиң көзиме (И.Юсупов).

-шақ/-шек аффикси эркалаш маъносида ҳам кенг қўлланилади. Ҳозирги қорақалпоқ тилида -шақ/-шек аффикси баъзи ҳайвон номларига қўшилиб, уларни эркалаб ифодалаш вазифасини бажаради. Масалан: қўлыншақ, тайыншақ, тўлкишек ва ҳоказо. – Ҳа тўлкишек, тўлкишек, Тўнде қайда барасаң? (Қорақалпоқ фольклори, V том).

-тай аффикси. Камунум -тай аффикси ҳам кўпинча оғзаки сўзлашув тилида кичик ёшдаги болаларни эркалаш учун ишлатилади: алатай, бөкөтай.

Еркөтай, генжөтай, кишкөнтай, кирттай каби кичик ёшдаги болаларни эркалаш шакллари ссифатдан ясалган.

Ҳурмат ва камтарлик маъноларининг аффикслар орқали ифодаланиши. -ай/-ей, -й аффикслари кариндошлик атамаларида сийламок, ҳурмат, одоб сақлаш маъноларини билдиради: *ана – апай, ага – ағай, шеше – шешей, жеңге – жеңгей.*

-эке/ -еке аффикси қорақалпоқ тилида эркак киши исмларининг қисқарган шаклларига қўшилиб, кўпинча сўзлашув тилида одобилик, ҳурмат, камтарлик, ҳазиллашиш маъноларини англатади. *Сэке, Тэке, Айеке, Мэке.*

Сўзлашув тилида қарақалпақ миллати номининг қисқартирилиб, «қареке» деб ишлатиш урфга айланган: Ўа-ҳа-ҳасын аспанга жеткередиди қарекең (Т.Матмуратов).

-шақ/-шек аффикси баъзан камтарлик, ҳурмат маъносини билдиради: Мен анамның ақ сўтин аклау ушын дўняның барлық дэреклери менен тутасып турған сезим тамырларын жулып таслап, Нийетбайдың үйине келиншек болып түстим (О.Абдирахманов).

Камситиш, киноя маъноларининг аффикслар орқали ифодаланиши. Ҳозирги қорақалпоқ тилида отнинг айрим субъектив баҳо шаклларида камситиш, киноя маънолари ҳам ифодаланади.

-сымақ аффикси орқали киноя, камситиш, менсимаслик маънолари ифодаланади: Саўға-сөлемлерин тапсырыў ушын Қазаннан келген бир султансымаққа рухсатнама берилди (К.Мәмбетов).

-ақ/-ек, -қ/-к аффикслари қорақалпоқ тилида жуда кам ишлатилади ва камситиш, ёқтирмаслик, кинояни билдиради: Патша болсам мен өзим, билгир едим, Жетимектиң атасы деп жүр едим («Алпамыс»). Келте бақай семизек («Алпамыс»).

Аффиксоидларнинг субъектив баҳо шаклларины ҳосил қилиш вазифаси. Қорақалпоқ тилида инсонлар билан боғлиқ эркалаш, суйиш маънолари -жан, -хан,-тай, -эке/-еке аффиксоидлари орқали ифодаланади: *Жумабайжан, Периханжан*, бул дўняға илэхийда ақыллы перзент келтирип, оны күтө жаксы өсиргенсиз! (Т.Қайыпбергенов).

—*жан* аффиксоиди, асосан, форс-тожик тилидаги *жан* («душа») сўзидан келиб чиққан. Атоқли отларга «-жан» аффиксоиди қўшилиб, аниқ шу одамга нисбатан айтилганда эркалаш маъноси (Назаржан, Дөнияржан, Хўрлиманжан каби), қариндошлик атамаларига қўшилса, ўша одамни хурмат қилиш, ёктириш, эркалаш-суйиш маъноларини англатади.

—*хан* аффиксоиди қорақалпоқ тилида киши исмлари таркибида (кўпинча аёл-қизлар исмларида) учрайди. Кейинги пайтларда ўзбек тилининг таъсирида аёл-қизлар исмлари охирига эркалаш маъносидаги *-хан* аффиксини қўшиб ишлатиш, айниқса, сўзлашув тилида кенг истеъмолда бўлиб келмоқда: *Тамарахан, Айзадахан, Салтанатхан* ва бошқалар.

—*тай* аффиксоиди эркак киши исмларининг охирига қўшилиб, эркалаш маъносини ифодалайди. Бу аффиксоидни А.Ғуломов «той» (қулун) сўзи билан боғлаб ўрганади²⁰. У эркак кишилар исмларида фаол қўлланади: *Сантай, Гўлтай, Уғтай* ва бошқалар (аёл-қизлар исми). *Бекберген – Бекетай, Турганбай – Токетай* каби (эркак исмлари).

Иккинчи бобнинг иккинчи қисми «**Субъектив баҳо формаларининг аналитик усулда ясалиши**» деб номланиб, қорақалпоқ тилидаги субъектив баҳо формаларининг аналитик усулда ясалишини ўрганиш доираси уларнинг қисқартма киши исмлари, атоқли киши исмларининг қариндошлик атамалари билан бирикиб келиши, қўшма сўзлар ва грамматик категориялар (келишик ва эгалик) ёрдамида ясалишини (такрор ва жуфт сўзлар) ўз ичига олади.

Қисқартма киши исмларининг субъектив баҳо формаларини ҳосил қилиш вазифаси. Субъектив баҳо формалари қорақалпоқ тилидаги киши исмларида учрайди. Эркалаш маъноси икки усулда: 1) аффикслар ёрдамида; 2) эмоционал характердаги сўзлар қўшилиши орқали ясалади.

—*дай* аффикси исмларга қўшилиб, киши исмларида эркалаш, рағбат маъносида қўлланади ҳамда улар кўпинча аёл-қизлар исмлари таркибида қўлланилади: *Айдай, Палдай* ва бошқалар.

—*ша/-ше* аффикси кўпинча аёл-қизлар исмларида фаол қўлланади: *Айша, Гўлайша, Орынша* кабилар.

—*и, -аи/-еи, -ыи/-ии, -и* аффикслари. Қорақалпоқ тилида эркалаш маъноси кичик ёшдаги болалар, қизлар исмларини қисқартириб қўллаш орқали ифодаланади: *Тазагўл – Тазаи, Бийдисенем – Бийбиш* ва ҳоказо.

—*м, -ыи/-им* аффикслари киши исмларида эркак (*Бегим, Палым*) ва аёллар исмлари таркибида (*Гўлим, Назым*) эркалаш маъносида ишлатилади.

—*-дан/-ден, -тан/-тен* чиқиш келишиги шакллари атоқли киши исмлари таркибида эркалаш маъносида қўлланилади: *Сердан, Бердан* каби. Шунингдек, *-ет, -қ, -ақ, -ек, -н, -ан, -ен* аффикслари қорақалпоқ тилида киши исмлари таркибида кичрайтириш ва эркалаш маъносини билдиради: *Есет, Төлек, Жапақ, Досек, Хожан, Досан, Қўлен* ва бошқалар.

²⁰ Ғуломов А.Г. Проблемы исторического словообразования узбекского языка: Автореф. дис. ... д-ра филол. наук. – Т., 1955. – С. 22.

Киши исмларининг қариндошлик атамалари билан бирикиб келиши орқали субъектив форма ясалиши. Оғзаки сўзлашув тилида инсонларга ҳурмат, камтарлик маъноси киши исмларига қариндошлик атамаларининг бирикиши орқали ҳам ифодаланади: – *Маман ата*, мен айтар едим, – деди Яков сыбырланып (Т.Қайыпбергенов).

Субъектив баҳо формаларининг қўшма сўзлар ёрдамида ясалиши. Субъектив баҳо шакллари жуфт ва такрор кўринишдаги қўшма сўзлар орқали ҳосил қилинади, баъзан предметни менсимасликини англатади: Онын ўстине эйнекке салатуғын *шөлмек-пөлмек, мыйық -пыйық, бояў-сояў, топса-понса* усаған нәрселер (Ш.Сейтов).

Иккинчи бобнинг учинчи қисми **«Субъектив баҳо формаларининг грамматик категориялар орқали ясалиши»** деб номланади.

Эркалаш маъносининг чиқиш келишиги орқали ифодаланиши. Суйиш, эркалаш, яҳши кўриш маъноси чиқиш келишиги шакли орқали ҳам ифодаланади: *Көзгенеңнен Байшубар* («Алпамыс»).

Эғалик шаклининг субъектив баҳо формаларини яшаш вазифаси. Кичрайтириш-эркалаш ва ҳурмат формаларини ҳосил қилишда эғалик аффиксларининг вазифасини Р.Икромова ҳам қайд этади²¹.

Қорақалпоқ тилшунослигида А.Бекбергенов субъектив баҳо формаларининг эғалик шаклини қабул қилган от ва сифатлардан ясалишини далиллаган²²: – *Хош, жылама, Ақбозым!* (Т.Қайыпбергенов).

Демак, отнинг субъектив баҳо формалари ифодалайдиган маъноларига кўра кичрайтириш, эркалаш, ҳурмат, камтарлик, рағбат, ҳазиллашиш, камситиш ва киноя шаклларига ажратилади. Улар аффикслар, келишик ва эғалик шакллари, аффиксоидлар, киши исмлари ва уларни қискартириш, жуфт ва такрор сўзлар ёрдамида ясалади.

«Ҳозирги қорақалпоқ тилида от субъектив баҳо ифодаловчи формаларининг услубий қўлланилиши» деб номланган учинчи бобда субъектив баҳо формаларининг сўз ясалиши ва грамматик категориялардаги услубий имкониятлари таҳлилга тортилди. Тилда морфология турли услубий ресурсларга бой ҳисобланади. Маълум фикрни ифодалашда маънолари бири-бирига яқин, лексин тузилиши жиҳатдан ҳар хил бўлган морфологик вариантлар, синонимлар кенг истеъмолда бўлади.

Морфологик стилистикада ҳар бир сўз туркуми категорияларининг услубий бўёқлари, уларнинг тил вазифавий услубларига муносабати ўрганилади. Отнинг субъектив баҳо формасини ҳосил қилувчи услубий хусусиятлари унинг субъектив баҳо берувчи формалари ҳисобланган аффиксация, аффиксоидлар, сон, эғалик ва келишик категориялари, сўзларни қискартириш ва қўшма сўзлар орқали намоён бўлади.

Учинчи бобнинг биринчи қисми **«Субъектив баҳо формаларининг сўз ясалишидаги услубияти»** деб аталади.

²¹ Икромова Р. Ўзбек тилида отларнинг синтетик, аналитик ва функциональ формалари. – Т.: Фан, 1985. – Б. 61.

²² Бекбергенов А.Б. Қарақалпоқ тилининг стилистикаси. – Некис: Қарақалпоқстан, 1990. – Б. 47.

Субъектив баҳо формаларини ясовчи *аффиксларнинг стилистик вазифаси*. Ҳозирги қорақалпоқ тилидаги *-ша// -ше, -шақ//-шек, -шық//-шиқ, -лақ, -жан, -хан* типидagi сўзловчининг объектга муносабатини билдирувчи шакллар, асосан, от ва сифат сўз туркумлари таркибида ўрганилиб, «субъектив баҳо формалари» термини билан юритилади.

